

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш маркази

Ж.С.МУРОТОВ

САНОАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ
ХУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ: САВОЛЛАР
ВА ЖАВОБЛАР

ТОШКЕНТ

УЎК
М-

Ўқув-амалий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази Ўқув ва илмий-услубий кенгаши мажлисида 2022 йил 16-июнда муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия этилган (17-сонли баённома).

Муротов Ж.С. Саноат мулки объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси: саволлар ва жавоблар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази, 2022. – 26 б.

Тақризчилар: юридик фанлари доктори, профессор О.Оқюлов
юридик фанлар номзоди, доцент М.Насуллаев

Қўлланмада саноат мулки объектларининг (ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига бўлган ҳуқуқ) ҳуқуқий муҳофазасига ҳамда асосий йўналишларининг айрим хусусиятларига оид саволларга жавоблар келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари ва ходимлари ҳамда Олий юридик таълим ўқув муассасалари талабалари ва Юристлар малакасини ошириш маркази тингловчиларига мўлжалланган.

ISBN

© Ж.С.Муротов, 2022

© Юристлар малакасини ошириш маркази, 2022

КИРИШ

Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилиши бугунги кунда ўта долзарб масалага айланди. Бунда, айниқса, рақамли технологияларнинг ривожланиши ва интернет тармоғи имконияти кенгайиши асосий омил бўлмоқда.

Бизга маълумки ривожланган мамлакатларда инсон капиталидан самарали фойдаланиш, яратилган интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш жараёнига кенг жорий этиш ва интеллектуал мулк соҳасини иқтисодиётнинг энг ривожланган тармоқларидан бирига айлантириш иқтисодий тараққиётнинг муҳим кўрсаткичлари ҳисобланади. Маҳсулотни қадоқлашда мудаффақиятли ишлатилган битта товар белгиси йирик компания, ҳатто бутун давлатнинг имижини намойиш этишга қодир. Бунга Rolex, Nike, Adidas, Apple, Toyota, Mercedes Benz каби машҳур брендлар яққол мисол бўла олади.

Интеллектуал мулк объектлари орасида ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари каби интеллектуал ижодий фаолият натижалари муҳим ўринни эгаллайди. Ҳозирги вақтда бутун дунёда саноат мулкининг ана шу объектларини муҳофаза қилишнинг патент тизими эътироф этилган ва амал қилиб турибди.

Ихтиrolарнинг ҳуқуқий муҳофазаси соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимлари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуни ва ихтиrolар муҳофazаси соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатлар ёрдамида тартибга солинади.

Айтиш жоизки ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини умумлаштирган ҳолда саноат мулки объектлари деб атамиз.

Саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқ муаллифга (ҳаммуаллифларга) ёки унинг (уларнинг) ҳуқуқий ворисига (ҳуқуқий ворисларига) тегишли бўлади ва патент билан тасдиқланади.

Ихтиrogaga патент ихтиronining янгилигини, ихтиrolik даражасини, унинг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг ихтиrogaga эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Қўлланма адлия органлари ва муассасалари раҳбар ва ходимларнинг ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига бўлган ҳуқуқига оид тушунчалар, қоидалар, тартиб-таомиллари ҳақида тасаввур хосил қилишлари ҳамда ушбу соҳага оид жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга доир назарий билимларини ривожлантириш ва амалий кўникумларини шакллантиришга қаратилган.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларини инобатга олган ҳолда тайёрланган.

ҚАНДАЙ ҲОЛАТЛАРДА ИХТИРО ХҮҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИ?

Ихтиро сифатида берилган объект, агар у янги, ихтирилик даражасига эга ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар ихтиро техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади.

Агар ихтиро техника тараққиёти даражаси ҳақидаги маълумотлардан яққол аён бўлмаса, ихтирилик даражасига эга бўлади.

Техника тараққиёти даражаси ихтиро устуворлиги санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган ҳар қандай маълумотларни ўз ичига олади.

Агар ихтиро саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда фойдаланиш мумкин бўлса, у саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.


ИХТИРО НИМА?

Бу янги ғоя, техник ечим бўлиб, амалиётда техниканинг исталган соҳасидаги муайян музаммони ҳал қилиш имконини беради ва белгиланган мезонларга жавоб беради.



САНОАТ НАМУНАЛАРИ НИМА?

Саноат намуналари – буюмнинг ташқи кўринишини ифодалайдиган бадиий ёки бадиий-конструкторлик ечим.



ТОВАР БЕЛГИСИ НИМА?

Товар белгиси – бир юридик ва жисмоний шахсларнинг товарларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгидир.

Товар белгисини товарларни шахсийлаштиришга хизмат қилувчи белгилар (сўзли, тасвирий, хажмли, жамланма ёки бошқ.) ташкил этади.

Сўзли	
ТАСВИРИЙ	
ХАЖМЛИ	
ЖАМЛАНМА	

ТОВАР КЕЛИБ ЧИҚҚАН ЖОЙ НОМИ НИМА?

Товар келиб чиққан жой номи – мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жўғрофий обьектнинг товарни белгилаш учун ишлатиладиган, унинг алоҳида

хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жүйрофий обьектга хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган номи товар келиб чиққан жой номи деб эътироф этилади.



ОШКОР ЭТИЛМАГАН АХБОРОТ НИМА?


Ошкор этилмаган ахборот (ноу-хау) – учинчи шахсларга маълум бўлмаган техникавий, ташкилий ёки тижорат ахбороти, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари бўлиб, олди-сотди предмети бўлиши мумкин.



ТОВАР БЕЛГИЛАРИ СИФАТИДА НИМАЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНМАЙДИ?

Товар белгилари сифатида қўйидагилар рўйхатга олинмайди:

– давлат герблари, байроқлари ва мукофотлари туширилган белгилар;



– давлатларнинг расмий номлари, халқаро ва ҳукуматлараро ташкилотларнинг тўлиқ ва қисқартирилган номлари;

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ” “БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ” “ЮНИСЕФ”

– расмий назорат, кафолат тамғалари, муҳрлар;




ИХТИРО, ФОЙДАЛИ МОДЕЛЬ, САНОАТ НАМУНАСИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ҚАНДАЙ ҲУҚУҚЛАР МАВЖУД?

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан фойдаланишда қўйидаги ҳуқуқлар мавжуд:

– давлат хизматларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ажратиш ва фарқлаш белгилари;




– ўзига хос график тасвирга эга бўлмаган алоҳида ҳарфлар, рақамлардан иборат белгилар, чизиқлар ва оддий геометрик фигуralар;



СВС
777

– товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишга топширилган талабномадаги товарларни белгилаш учун уларнинг ҳақиқий ёки схематик тасвирлари, уч ўлчамли объектлар, оддий номлар;



9-класс.
Дазмоллар



6-класс.
Болғалар

– маълум бир товар ёки турли ишлаб чиқарувчиларнинг шунга ўхшаш товарлари учун узоқ вақт ишлатилганлиги туфайли тушунча бўлиб қолган белгилар;

ТЕРМОС

– умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар;

ОПТИКА

– товар келиб чиқсан жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бирон бир худудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар.

ИРЛАНДСКОЕ
(талабнома топширувчи Ирландия
рэзиденти бўлмаган ҳолларда)

– жамият манфаатларига, одамийлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар.



NAZI

**ИХТИРО, ФОЙДАЛИ МОДЕЛ, САНОАТ НАМУНАСИ, ТОВАР
БЕЛГИСИ, ТОВАР КЕЛИБ ЧИҚҚАН ЖОЙ НОМИ ВА СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҚЛАРИНИНГ
АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ТОПШИРИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР ҲАМДА ТАСДИҚ
ҲУЖЖАТИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРИНГ?**

Объект	Шартлари	Муддат	Топшириладиган ҳужжатлар	Тасдиқ ҳужжати	Субъект
Ихтиро	Янги, саноатда қўлланилиши, ихтирочилик даражаси	20 йил + 5 йил	ариза, тавсиф, реферат, формула, чизмалар, бож тўлови	Патент	Патент эгаси Муаллиф
Фодали модель	Янги, саноатда қўлланилиши,	5 йил	ариза, тавсиф, реферат, формула, чизмалар, бож тўлови	Патент	Патент эгаси Муаллиф
Саноат намунаси	янги, оригинал	10 йил + 5 йил	ариза, объект расми, чизма, тавсиф, бож тўлови	Патент	Патент эгаси Муаллиф
Товар белгиси	бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний	10 йил (хар 10 йилда чўздирилиши мумкин)	ариза, бож тўлови, ТБ расми, ишончнома (патент вакили орқали топширилганда)	Гувоҳнома	Ҳуқуқ эгаси

	шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган бўлиши шарт				
Товар келиб чиқсан жой номи	Товар келиб чиқсан жой номи мазкур жўғрофий объектдаги, номи ўзлари ишлаб чиқараётган товарни белгилаш учун ишлатиладиган юридик ёки жисмоний шахс томонидан рўйхатдан ўтказилади	10 йил хар 10 йилда чўздирилиши мумкин	ариза, объект расми, чизма, тавсиф, бож тўлови	Гувоҳнома	Хўқуқ эгаси
Селекция ютуқлари	Янгилик, Фарқланиш, Турдошлиқ, Барқарорлик,	25 йил + 10 йил	Ариза бож тўлови	Патент	Патент эгаси Муаллиф

СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҚЛАРИ НИМА?

Селекция ютуқлари – ўсимликларнинг янги нави ва ҳайвонларнинг янги зоти.



ИХТИРО, ФОЙДАЛИ МОДЕЛЬ, САНОАТ НАМУНАСИНИ ХҮҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДЕГАНДА НИМА ТУШУНИЛАДИ?

Фуқаролик кодекси 1083-моддасининг биринчи қисмидан кўринадики, мутлақ ҳуқуқнинг ижобий жиҳати патент эгасига:

- техник ечимларни ўз ишлаб чиқаришида қўллаш;
- ишлаб чиқарилган буюмларни сотиш ёки сотишга таклиф қилиш;
- ишлаб чиқарилган буюмларни импорт қилиш ва бошқа шу каби кенг имкониятлар беради.

Юқоридагилардан англашиладики, ҳуқуқ эгаси патент (гувоҳнома) билан муҳофазаланган ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш бўйича мутлақ ҳуқуққа эгадир. Бундай мутлақ ҳуқуқ қўйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- ҳуқуқий муҳофаза қилинган ечимларни қўллаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш;
- патент билан (гувоҳнома) билан муҳофазаланган технологик жараёнларни ўз ишлаб чиқаришида қўллаш, жорий қилиш, амалга ошириш;
- муҳофазаланган ечимга эга бўлган маҳсулотларни сотиш ёки сотишга таклиф қилиш;
- худди шундай муҳофазаланган буюмларни импорт қилиш.

Бу таркибий қисмлар бир бутун яхлит ҳолда мутлақ ҳуқуқ мазмунини ташкил этади. Айни вақтда ҳуқуқий муҳофаза унинг айрим қисмларинигина қамраб олиши мумкин. Масалан, нефтдан гўшт олиш усули. Бунда янги усулнинг ўзи ҳуқуқий муҳофазада бўлади, бу усул асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот эса ҳуқуқий муҳофазада бўлмайди

Бир нечта патент эгасига қарашли бўлган саноат мулки обьектидан фойдаланиш борасидаги ўзаро муносабатлар улар ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, ҳар бир патент эгаси муҳофаза қилинаётган саноат мулки обьектидан ўз хоҳишича фойдаланиши мумкин, лекин қолган патент эгаларининг розилигисиз обьектга мутлақ лицензия беришга ёки патентни ўзга шахсга топширишга ҳақли эмас.

Маълумки, маҳсулотга нисбатан мутлақ ҳуқуқ энг камида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиласди. Бинобарин, бундай маҳсулотни

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш (импорт қилиш) ҳуқуқи ҳам мутлақ ҳуқуқ эгасига тегишилдири.

Бошқа ҳар қандай шахслар ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасидан патент (гувоҳнома) эгасининг рухсати ёки у билан келишув асосидагина фойдаланишлари шарт.

Шунингдек, патент эгаси фойдаланилаётган саноат мулки объектлари патентланганлигини кўрсатувчи огоҳлантириш тамғасидан фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2002-йил 29-августдаги “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Қонуни 12-моддасига асосан қўйидаги ҳоллар патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайди:

- Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган қурилмаларни Саноат мүлкини муҳофaza қилиш бўйича Париж конвенцияси иштирокчиси бўлган бошқа давлатнинг транспорт воситасида мазкур восита вақтинча ёки тасодифан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган вақтда, башарти бу қурилмалардан фақат мазкур воситанинг эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бўлса, қўллаш;
- патентлар билан муҳофaza қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситалар устида илмий тадқиқот ёки тажриба ўтказиш;
- патентлар билан муҳофaza қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни табиий оғатлар, ҳалокатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолатларда қўллаш;
- патентлар билан муҳофaza қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни, агар бу воситалар фуқаролик муюмаласига қонуний йўл билан киритилган бўлса, қўллаш;
- патентлар билан муҳофaza қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни даромад олмай шахсий мақсадларда қўллаш;
- дорихоналарда шифокор рецепти бўйича дори воситаларини бир маротабалик тайёрлаш.


Юқорида кўрсатилган қонуннинг 30-моддасида белгиланган ҳолларда, тартибда ва ҳажмларда аввалдан фойдаланувчи томонидан ҳуқуқий муҳофaza ёрлиғи олган саноат мулки объектларидан фойдаланиш.

ФҚнинг 1034-моддаси, ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари ҳақидаги қайд этилган Қонуннинг 11, 31-моддаларига асосан саноат мулки объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси үшбу объектдан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга, бошқаларнинг фойдаланишига рухсат беришга ёки фойдаланишни тақиқлаб қўйишга ҳақли.

Патент эгасидан бошқа шахслар унинг рухсатисиз ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан фойдаланишга ҳақли эмас, юқорида кўрсатиб ўтилган патент эгасининг ҳуқуқларини бузиш ҳисобланмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

Патентланган ихтирони, фойдали модель ёки саноат намунасини қўлланган ҳолда:

- маҳсулотни рухсатсиз тайёрлаш;
- технологик жараёнда қўллаш;
- четдан олиб келиш;
- сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш;
- юқорида кўрсатилган мақсадда сақлаш, шунингдек ихтиро патенти билан мухофаза қилинаётган усулни қўлланиш ёхуд ихтиро патенти билан мухофаза қилинаётган усул воситасидагина тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаш патент эгаси алоҳида ҳуқуқининг бўзилиши ҳисобланади.



ПАТЕНТГА БЎЛГАН ҲУҚУҚНИ ТАСАРРУФ ЭТИШ ДЕГАНДА НИМА ТУШУНИЛАДИ?

Патентга бўлган ҳуқуқни тасарруф этиш деганда саноат мулки объектига бўлган мутлақ патент ҳуқуқлари бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман берилиши англашилади.

Патент эгаси патент билан тасдиқланган саноат мулки обьектига бўлган ҳуқуқни ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахсга (шахсларга) қўйидаги шартномалар асосида топшириши мумкин:

- 1) *Патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартнома бўйича;*
- 2) *Лицензия шартномаси бўйича.*

Шу билан бирга кўрсатиб ўтилган шартномалар Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказишдан кўзланган мақсад патент эгасининг битта патентни бир неча марта сотиш шаклидаги эҳтимол тутилган суиистеъмолликлар қилишининг олдини олишдан иборат.

Шартноманинг патентдан воз кечганлик учун тўланадиган ҳақнинг миқдорини белгилаш ва уни тўлаш тартиби тўғрисидаги шартини бундай рўйхатдан ўтказиш шарт эмас ва шунинг учун тарафлар уни алоҳида битимда назарда тутишлари мумкин. Бундай тартиб тарафларга зарурат тақозо этса, ўз битимларининг муҳим шартларидан бири бўлмиш қонун йўл қўядиган тижорат сирини сақлаш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, патент эгалари патент рўйхатга олинган санадан бошлаб 3 йил мобайнида саноат мулки обьектидан фойдаланмаса ёки етарли даражада фойдаланмаса, ушбу муҳофаза этилаётган саноат мулки обьектидан фойдаланишни хоҳловчи ва фойдаланишга тайёр ҳар қандай шахс, патент эгаси лицензия шартномаси тузишдан бош тортган тақдирда, ўзига мажбурий номутлақ лицензия беришни сўраб судга илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин.



ИХТИРО, ФОЙДАЛИ МОДЕЛЬ, САНОАТ НАМУНАСИГА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ҚАНДАЙ ВУЖУДГА КЕЛАДИ ВА ТАЪМИНЛАНАДИ?

Амалдаги қонунларда саноат намунаси обьекти кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ўша жисмоний шахс саноат мулки обьектининг

муаллифи деб эътироф этилиши белгиланган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, муаллифликни эътироф этиш учун жисмоний шахснинг фуқаролиги ёки ёши аҳамиятга эга эмас.

Шунингдек, интеллектуал мулк ҳуқуқи обьектининг муаллифи ўзи яратган обьектни ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийларининг иштирокисиз мустақил ёки улар орқали тасарруф этишга ҳақли.

Чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар Париж конвенцияси 2-моддасида мустаҳкамланган миллий режим принципига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан бир қаторда ўзлари яратган саноат мулки обьектларининг муаллифлари деб эътироф қилинади.

Фуқаролик кодексининг 1085-моддасида муаллифлик ҳуқуқи обьектнинг муаллифи деб эътироф этилиш ва обьектдан фойдаланилганида бундай эътирофни талаб қилиш, худди мана шу асарга нисбатан бошқа шахсларни муаллиф деб эътироф этишни истисно қилиш ҳуқуқи сифатида белгиланган.

Ихтирога, фойдали моделга, саноат намунасига маҳсус ном бериш ҳуқуқи ихтиричилар томонидан фаол фойдаланиладиган жуда мухим шахсий номулкий ҳуқуқдир.

Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ агар ихтиро сифатида берилган обьект, агар у янги, ихтирилик даражасига эга ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар ихтиро техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади.

Агар ихтиро техника тараққиёти даражаси ҳақидаги маълумотлардан яққол аён бўлмаса, ихтирилик даражасига эга бўлади.

Техника тараққиёти даражаси ихтиро устуворлиги санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган ҳар қандай маълумотларни ўз ичига олади.

Агар ихтиро саноат, қишлоқ хўжалити, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда фойдаланиш мумкин бўлса, у саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

Қонуннинг 6-моддаси саккизинчи қисмига мувофиқ маҳсулот ёки үсулга тегишли бўлган ҳар қандай техник ечим ихтиро сифатида эътироф этилади.

а) ихтиро обьекти - маҳсулот.

Ихтиро объекти сифатида маҳсулотга, хусусан, қурилма, модда, микроорганизм штамми, ўсимликлар ёки ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари киритилган.

Қурилмаларга конструкциялар, конструктив элементлар ёки конструктив элементлар мажмуй бўлган ҳамда функционал-конструктив бирликни ташкил қилган буюмлар киради.

Қурилмаларга машиналар, асбоблар, аппаратлар, ускуналар, инструментлар, маҳкамловчи буюмлар, машина деталлари, алоқа воситалари, қурилиш конструкциялари ва бошқалар киради.

Моддаларга:

кимёвий бирикмалар, буларга, шунингдек, шартли равишда юқори молекуляр бирикмалар ва ген инженерияси маҳсулотлари бўлган рекомбинант нуклеин кислоталар, векторлар ва ҳ.к. киритилган;

композициялар (таркиблар, аралашмалар, қотишмалар, эритмалар ва бошқалар);

ядровий парчаланиш маҳсулотлари киради.

Микроорганизмлар штаммлари, ўсимликлар ёки ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари (линиялари)га:

бактериялар, вируслар, бактериофаглар, микросувўтлари, микроскопик замбуруғлар ва бошқаларнинг штаммлари;

ўсимликлар ёки ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари (линиялари), шу жумладан ҳужайраларнинг клонлари;

микроорганизмлар, ўсимликлар ёки ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари (линиялари) консорсиумлари;

хусусан микроорганизмлар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг плазмидлари, векторлари, барқарор трансформацияланган ҳужайраларини ўз ичига олган генетик конструкциялар, трансген ўсимликлар ва ҳайвонлар киради.

б) ихтиро объекти - усул.

Усулга моддий воситалар ёрдамида моддий объект устида бажариладиган ўзаро боғланган хатти-ҳаракатлар киради.

Қуйидагилар ихтиrolар деб тан олинмайди:

- ✓ илмий назариялар ва математика усуллари;
- ✓ ташкил этиш ва бошқарув усуллари;
- ✓ шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;

- ✓ ақлий операцияларни бажариш қоидалари ва үсуллари;
- ✓ электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар;
- ✓ бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва схемалари;
- ✓ эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, маҳсулотларнинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар;
- ✓ интеграл микросхемалар топологиялари;
- ✓ ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;
- ✓ жамоа манфаатлари, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

Умумлаштириб таъкидлаш мумкинки саноат мулки обьектларига берилган талабномаларни қабул қилиб олувчи экспертиза ташкилоти назорат қилиш вазифаларига эга эмас, талабномада кўрсатилган барча маълумотларнинг қай даражада тўғри эканлигини текширмайди ва талабномани кўриб чиқиш жараёнида талабнома материалларида муаллиф сифатида кўрсатилган шахсни муаллиф деб ҳисоблайди. Яъни, талабномада муаллиф сифатида кўрсатилган шахснинг муаллифлик презумпцияси қўлланилади. Учинчи шахсларнинг саноат намунаси обьекти муаллифи талабномада кўрсатилган шахс эмас, балки ўзлари эканлиги тўғрисидаги аризалари ва далил-исботлари экспертиза ташкилоти томонидан кўриб чиқилмайди.

Муаллифлик тўғрисидаги низолар судда кўриб чиқилади, унда фақатгина муаллифлик ҳуқуқи юзага келгунга қадар мавжуд бўлган фактлар ва ҳолатлар далил-исбот сифатида ҳисобга олинади.



ИХТИРО, ФОЙДАЛИ МОДЕЛЬ, САНОАТ НАМУНАСИННИГ ҲАММУАЛЛИФЛАРИ ДЕГАНДА КИМЛАР ТУШУНИЛАДИ ВА УЛАР ҚАНДАЙ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА?

Саноат намунасининг ҳаммуаллифлари деганда саноат намунаси обьектини яратишда иштирок этган жисмоний шахсларнинг ҳаммаси тушунилади.

Биргаликдаги ижодиёт, бир шахснинг ихтирочилик фаолияти учун қандайдир алоҳида битим талаб қилинмайди. Фуқаролик кодексининг 1086-модаси биринчи қисмига асосан ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси ҳаммуаллифларининг ўзаро муносабатлари улар ўртасидаги келишув билан белгилаб қўйилиши назарда тутилган бўлсада ушбу моддада эслатиб ўтилган битим патент ҳуқуқларини расмийлаштириш, биргаликда яратилган саноат мулки обьектидан фойдаланиш, шунингдек уни тасарруф этиш юзасидан тузилиши кераклигини инобатга олишимиз жоиз.

Юқорида эслатиб ўтилган «яратиш» дейилганида ижодий фаолият назарда тутилади. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасини яратишга ноижодий ёрдам бериш (техникавий, ташкилий ёки математик ёрдам, ҳуқуқларни расмийлаштиришга кўмаклашиш ва ҳоказолар) ҳаммуаллифликка сабаб бўлмайди. Ҳаммуаллифликда (ишни ташкил этиш, иш жойи, бир ёки бир неча ташкилот мазмунида) биргаликда ёки алоҳида алоҳида ишлаганлик, шунингдек ижодий улушнинг даражаси аҳамиятга эга бўлмайди, асосийси бундай улушнинг мавжудлигидир.



ХИЗМАТ ИХТИРОЛАРИ, ФОЙДАЛИ МОДЕЛЛАРИ, САНОАТ НАМУНАЛАРИ БҮЙИЧА ҲУҚУҚЛАР КИМГА ТЕГИШЛИ?

Ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш муносабати билан яратилган хизмат ихтиrolари, фойдали моделлари, саноат намуналарининг патентига бўлган ҳуқуқ, агар бу ҳол улар ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади.

ФК 1087-моддасида хизмат саноат мулки обьекти яратилганда иш берувчининг патентга бўлган ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Фақатгина иш берувчи билан ходим ўртасидаги патент олишга бўлган ҳуқуқни ходимга бериш тўғрисидаги шартнома умумий қоидани ўзгартириши мумкин.

Амалиётда иш берувчи билан хизмат ихтиrolарининг муаллифлари ўртасида ҳақнинг миқдори бўйича тез-тез низолар келиб чиқади. ФК 1087-моддасида иш берувчи томонидан муаллифга иш берувчи хизмат ихтиросидан лозим даражада фойдаланганидан қўрган манфаатига мос миқдордаги ҳажмда ҳақ тўлаш принципи, яъни «миқдорига мос равишда» принципида ҳақ тўлаши аниқ-равshan шаклда белгиланмаган. Бироқ, турмушда ушбу принципга риоя этиш анча қийин, ихтиродан фойдаланиш муваффақияти жуда кўп омилларга (молиявий, ташкилий ва шу каби бошқа омилларга) боғлик бўлган бир пайтда миқдорига мосликни аниқлашнинг эса, умуман иложи мавжуд эмас.

Иш берувчилар билан ходимлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш, шунга ўхшаш низоларни адолатли ҳал этиш мақсадида

шарҳланаётган моддага норма киритилган бўлиб, унга мувофиқ муаллиф ва иш берувчининг саноат мулки хизмат объектига қўшган ҳиссасини аниқ белгилашнинг иложи бўлмаса, иш берувчи олган ёки оладиган фойданинг ярмисига бўлган ҳуқуқ муаллифники деб эътироф этилади.



ПАТЕНТГА БЎЛГАН ҲУҚУҚНИ БОШҚА ШАХСГА ЎТКАЗИШ ТҮҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАНИНГ ШАКЛИ ҚАНДАЙ?

Оғзаки шаклдаги шартномани истисно қилганда, ҳар қандай шартнома каби патентга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш түғрисидаги шартнома ҳам ёзма шаклда тузилиши керак. Шу билан бирга бундай шартнома давлат идораси — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилиши лозим. Шартномани рўйхатдан ўтказишнинг бошқа ҳеч қандай шакллари ва үсулларига йўл қўйилмайди.

Патентга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш түғрисидаги шартнома шаклига ва рўйхатдан ўтказиш талабига риоя қилмаслик патентга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш түғрисидаги шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.



ИХТИРО, ФОЙДАЛИ МОДЕЛЬ, САНОАТ НАМУНАСИДАН
ФОЙДАЛАНИШ РУХСАТНОМАСИНинг (ЛИЦЕНЗИЯСИНинг) ШАКЛИ
КАНДАЙ ВА У ҚАЕРДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛАДИ?

Фойдаланиш рухсатномаси (шартномаси) ҳақиқий саналиши учун қуидаги шартларга жавоб бериси лозим:

Биринчидан, шартномаларнинг мазмуни қонунга ва қонун асосида чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, умуминсоний қоидаларга мувофиқ бўлиши;


Иккинчидан, шартномаларни тузувчи шахслар муомала лаёқатига эга бўлишлари;

Учинчидан, шартномалар күриниш учунгина тузилмай, балки чиндан ҳам юридик оқибат туғдириш мақсадида тузилган бўлиши;

Түртінчидан, нотариал гувохлантириши ёки давлат рүйхатидан үтказилиши лозим бўлган битимлар ҳақиқий саналмаслиги хавфи остида қонун билан талаб қилинганд шаклда расмийлаштирилиши лозим.

Шунингдек, хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди.

Лицензия шартномаси ва қўшимча лицензия шартномаси ёзма шаклда тузилади ва ваколатли давлат органида рўйхатдан ўтказилиши лозим. Уни ёзма шаклда тузишга ёки рўйхатдан ўтказиш талабига риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.



ПАТЕНТНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ҚАНДАЙ ЖАВОБГАРЛИК БОР?

Мұхофаза этилаётган ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан рухсатсиз фойдаланаётган ҳар қандай шахс патент әгасининг мутлақ ҳуқуқларини бұзувчи ҳисобланиши белгиланған.

Мұхофаза қилинадиган ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан фойдаланған ҳолда:

- маҳсулотни рухсатсиз тайёрлаш;
- құллаш;
- четдан олиб кириш;
- сақлаш;
- сотишга таклиф қилиш;
- сотиш ва фүқаролик мұомаласига бошқача тарзда киритиш;

Шунингдек мұхофаза қилинаётган үсулни қўллаш ёки бевосита мұхофаза қилинадиган үсул ёрдамида тайёрланған маҳсулотни фүқаролик мұомаласига киритиш патент әгасига тегишли мутлақ ҳуқуқларнинг бұзилиши деб эътироф қилинади.

Патентни бузиш патент әгасининг талаби билан тұхтатилиши, қоидабұзар эса патент әгасига етказилған заарарнинг үрнини қоплаши шарт. Патент әгаси

күрилган зарар үрнига қоидабұзардан қоидабұзарлик оқибатида олган даромадларини үндириб олишга ҳақлидир.

Бұндан ташқари патент әгаси:

- мұхофаза қилинаётган ҳужжат бузилишининг тұхтатилишини;
- қоидабұзар томонидан етказилган зарар қопланишини ва маңнавий зарар учун компенсация тұланишини;
- қоидабұзардан күрилган зарар үрнига қоидабұзарлик оқибатида олган даромадлари үндириб олинишини;
- мұхофаза қилинадиган ҳужжатни бузган шахс қонун ҳужжатларида белгиланған компенсацияларни тұлашини;
- фүқаролик мұомаласига киритилаётган ёки шу мақсадда сақланаётған ва мұхофаза қилинаётған ҳужжатни бузмоқда деб әзтироф этилган маҳсулотларни, шунингдек мұхофаза этилаётған ҳужжатни бузиш учун маҳсус белгиланған маблағтарни үз фойдасига үндиришни;
- йўл қўйилған қоидабұзарлик тұғрисида эълон қилиш ва унга бузилған ҳуқуқ кимга тегишли әқанлиги тұғрисидаги маълумотларни албатта киритишни талаб қилишга ҳақли.



ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР ВА ЮРИДИК АДАБИЁТЛАР

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси/
<https://lex.uz/docs/35869?otherlang=3>

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси/
<https://lex.uz/docs/180552>

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлдаги “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни/<https://lex.uz/docs/1022944>

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни/<https://lex.uz/docs/24925>

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Қонуни / <https://lex.uz/docs/69237>

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Қонуни / <https://lex.uz/docs/76671>

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни / <https://lex.uz/docs/143983>

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майдаги “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий мухофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни / <https://lex.uz/docs/143983>

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 2 февралдаги 9-сон Буйруғи (рўйхат рақами 1329, 2004 йил 22 март) / <https://lex.uz/docs/820909>

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 15 мартағи 14-сон Буйруғи (рўйхат рақами 1343, 2004 йил 29 апрел) / <https://lex.uz/docs/839878>

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 21 апрелдаги 22-сон Буйруғи (рўйхат рақами 1361, 2004 йил 20 май) / <https://lex.uz/docs/839878>

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2009 йил 11 мартағи 33-сон Бўйруғи (рўйхат рақами 1937, 2009 йил 7 апрель) / <https://lex.uz/docs/-1466780>

Юридик адабиётлар:

Омон Оқюлов. Интеллектуал мұлк ҳуқуқи. – Тошкент, 2005 йил. – 40 6./[https://n.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/huquq/Intellektual%20mulk%20huquqi%20\(O.Oqyulov\).pdf](https://n.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/huquq/Intellektual%20mulk%20huquqi%20(O.Oqyulov).pdf)

Якубова И.Б. Муаллифлик ҳуқуқи: Ўқув қўлланма/
<http://muzaffar.uz/huquq-olamida/2719-mualliflik-huquqi.html>

Муротов Журабек Сафарович

**Саноат мулки объектларининг ҳуқуқий
муҳофазаси: саволлар ва жавоблар**

Қўлланма

Муҳаррир:

Техник муҳаррир:

Саҳифаловчи дизайнер:

Босишга рухсат этилди. 2022.

**Нашриёт-ҳисоб табоғи . Адади. Буюртма № .
..... босмахонасида чоп этилди.**